

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ ВОСИТАСИДА ЖАМИЯТНИ ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

*Исламова Комила Пайзуллаевна
Самарқанд давлат чет тиллар
институтида иқтидорли талабалар
билан ишлаш бўйича муҳандис*

Аннотация: Мақолада Садриддин Айнийнинг жади́дчилик ҳаракати ва жади́д мактабларида олиб борган фаолияти мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечган даврга тўғри келганлиги, бу пайтда амирликда юзага келган ислохотчилик ва жади́дчилик ҳаракатлари унинг дунёқарашида кескин ўзгаришлар ясаганлиги ва жамиятни ижтимоий ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари ёритилган.

Калит сўзлар: *“Сифлий”, “Муҳтожий”, “Жунуний”, “Айний”, Ёш бухороликлар, жади́д мактаблари, татар мактаблари, Бухоро инқилоби, маърифат, маърифатпарвар ислохотчи, сиёсий кураш, тараққийпарварлар, жади́дчилик ҳаракати, мутассиб руҳонийлар, демократик тамойиллар.*

Аннотация В статье описывается, как работа Садриддина Аини в школах Джадид и Джадид совпала с трудными социально-политическими процессами, в то время как реформистские и интенсивные усилия эмирата привели к радикальным изменениям в его мировоззрении и его усилиях в области социального развития.

Ключевые слова: *«Сифлий», «Мухтоджий», «Джунуни», «Айни», Молодая Бухара, джадидские школы, татарские школы, Бухарская революция, просвещение, просвещенный реформатор, политическая борьба, прогрессивное, джадидское движение, демократическое духовенство.*

Annotation: The article describes how Sadriddin Aini's work in Jadid and Jadid schools coincided with difficult socio-political processes, while the emirate's

reformist and intensive efforts made drastic changes in his outlook and social development.

Key words: “Sifliy”, “Muhtojiy”, “Jununi”, “Aini”, Young Bukhara, Jadid schools, Tatar schools, Bukhara Revolution, enlightenment, enlightened reformer, political struggle, progressive, Jadid movement, democratic clergy.

Садриддин Айний шавқатсиз ҳаётнинг кулфат ва қийинчиликлари, кундалик турмуш машаққатлари билан болалигидаёқ юзма-юз келганлиги сабабли жуда эрта улғайган. У бошланғич таълимни қишлоқ масжид мактабида олди. Садриддин Айнийнинг ўзи кейинчалик ёзганидек, мумтоз адабиётдан яхши хабардор бўлган отаси Саид Муродхўжа унга ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодига қизиқиш уйғотган. Муаллиф ҳаёти ва фаолияти унинг “Қисқача таржимаи ҳолим”, “Эсдаликлар”, маърифатпарварлик ва жади́дчилик фаолияти даври эса “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида атрофлича баён этилган¹.

Садриддин Айний Бухоро мадрасаларида таҳсил олган йилларда (1890-1891) “Сифлий”, “Муҳтожий” ва “Жунуний” каби турли таҳаллуслар билан дастлабки шеърларини ёзди. У 1896 йилда илк бор “Айний” таҳаллуси билан ижод қила бошлайди. Адибнинг шахсан эътироф қилишича, “Айний” номининг турли китобларда 48 хил маъноси кўрсатилган².

Садриддин Айний 1890-1899 йилларда Бухородаги мадрасаларда таҳсил кўриб, ўз даврига яраша пухта билим эгаллайди. Қалкутта, Боғчасарой, Уфа, Оренбург, Қозон сингари шаҳарларда нашр этилган газета ва журналлар билан танишиш, айниқса, Фитратнинг Туркияда босилиб, Бухорога яширин равишда юборилган-“Мунозара”, “Сайёҳ ҳинд қиссаси” сингари асарларини мутолаа этиш бўлажак ёзувчининг дунёқарашида инқилобий ўзгаришларни вужудга келтирди. У амирлик тузумининг чириганини, мамлакатни бошқариш усулини

¹ Садриддин Айний туғилиб вояга етган Бухоро вилояти Ғиждувон туманига қарашли Соктаре қишлоғидаги Айний уй музейи материаллари.

² Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-ж. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 55.

янгилаш, демократик ислохатлар ўтказиш ва халқ оммасини маърифатлаштириш зарурлигини сизди. Садриддин Айний шу тариқа жаҳидчиликнинг ёрқин намоёндаларидан бирига айланди. Илк жаҳидчиликнинг асос марказий муаммоси, замонавий мактаб ва замонавий маълумот эди³. Садриддин Айнийнинг XX аср бошида ёзилган қуйидаги шеърида жаҳидчиликнинг ўша пайтлардаги манзараси ифодаланган:

Мактабсизлик бизни қилди яп-ялонғоч,
Мактабсизлик бизни этди талон-тарож,
Мактабсизлик Турон элини ўлдирди оч,
Кўзингни оч, бу хурликдан мактабга қоч.

Садриддин Айний Ёш бухороликлар партияси аъзоси сифатида Бухородаги жаҳид мактабларини ташкил этишнинг дастлабки ташаббускорларидан бири эди. С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида ёзишича, 1908 йил 23 октябрда Бухоро шахрининг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида жойлашган Мирзо Абдулвоҳид Мунзим (Бурҳонов) уйида форсий (тожик) тилида янги усул мактаби очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид Мунзим муаллим этиб тайинланади⁴. Бой болаларни пулли, камбағал болаларни бепул ўқитади.

Садриддин Айнийнинг ўзи то 1908 йил, Мирзо Абдулвоҳид Мунзимнинг янги усул мактаби очилгунига қадар, Бухородаги татар мактабларида (масалан татар вакилларида Холид Бурнашев, Низом Собитовларнинг мактаблари) ишлаб, дарс бериш ва ўқитиш йўлларини ўрганган. С.Айний “татар мактабида олти ой ишлаб, тажриба орттирдим”⁵ - деб, қайд этган эди. XX аср бошларида Бухорода бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини маърифатпарвар адиб С.Айний биринчи бўлиб талаб қилиб чиқади. С.Айний шахснинг камолоти ва жамият тараққиётида маърифат ролини юқори ўринга қўяди. Халқнинг иқтисодий аҳволини аҳоли ўртасида маърифат тарқатиш

³ М.Хайруллаев “Буюк сиймолар”, – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.-Б.134-136.

⁴ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 32; Табаров С. Мунзим. –Душанбе: Ирфон, 1991. – Саҳ. 27. Ёш бухороликлар қўмитасидан ўрток Пўлатхонов доклади // Иштирокион. (Тошкент). 1919 йил 15 июн. № 113.

⁵ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 29.

йўли билан яхшилаш мумкин деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у “Фан халққа бойлик келтиради”⁶ - деб, ёзган эди.

Бироқ, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим ва С.Айний томонидан очилган янги усул мактаби узок фаолият юритмайди. Ҳар иккала тараққийпарварлар таъкиб остига олинади. С.Айний 1910 йилда Ёш бухороликлар томонидан тузилган “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) яширин жамиятига аъзо бўлади ва унинг ишларида фаол иштирок этади. “Бухоройи шариф” ширкати муассислигида Садриддин Айнийнинг жаид мактаблари учун ёзган “Тартиб ул-Қуръон” (“Қуръони Карим”ни ўқиш ва талаффуз қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган китоб”), “Заруриети диния” (“Диний китоб”) ва “Таҳсиб ус-сибён” (“Болалар тарбияси”) номли ўқиш китоблари дастлаб 1909 йилда Оренбургда нашр этилди. Садриддин Айний “Таҳсиб ус-сибён” дарслигини Исмоил Гаспринскийнинг “Хўжаи сибён” (“Болалар муаллими”) китобидан таъсирланиб ёзади. 1914 йилда Ёш бухороликлар ташкил этган “Маърифат кутубхонаси” томонидан бу китоб 1917 йилда Самарқандда иккинчи марта нашр этилди.

Садриддин Айнийнинг Бухородаги жаидчилик ҳаракати ва жаид мактабларида олиб борган фаолияти мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечган даврга тўғри келади. Бу пайтда амирликда юзага келган ислохотчилик ва жаидчилик ҳаракатлари унинг дунёқарашида кескин ўзгаришлар ясади. Мутаассиб рухонийлар ва амирлик ҳукуматининг Ёш бухороликларга қаттиқ қаршилик кўрсатиши кабилар уни ўз ғоя ва мақсадларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга чақирди.

1917 йилда Ёш бухороликларнинг мамлакатда кенг ислохотларни амалга ошириш учун олиб борган курашлари, Бухорода юз берган 1917 йил апрель намоиши ва унинг фожеали оқибатлари, бошдан кечирган азоб- уқубатлари хусусида, Садриддин Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи учун

⁶ Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Самарқанд, 1917. – Саҳ. 26.

материаллар” асарида келтириб ўтади. 1917 йил апрель ойининг бошларида Амир Саид Олимхон Бурхониддин қозикалон ўрнига Ғиждувон қозиси вазифасини бажариб турган тараққийпарвар Шарифжон Махдумни қозикалон мансабига, Чоржўй қозиси бўлган Абдусамадхўжани раис лавозимига, Вобкент қозиси Офокхўжани муфти аскар лавозимига, Низомиддин Мусаннифни эса Ғиждувонга қози этиб тайинлайди. “Ушбу азм ва мансаблар билан гўёки амир ўз ҳукумати кабинетини ўзгартирганди”. Насрулло қўшбеги топшириғига биноан, 1917 йил 7 апрель куни Бухородаги амир қароргоҳи бўлган Арки Олийда Амир Саид Олимхоннинг ислоҳот тўғрисидаги фармони⁴⁵ қозикалон Шарифжон Махдум томонидан йиғилганларга ўқиб эшиттирилади⁴⁶. Бироқ орадан кўп ўтмай амир ўз фармонини бекор қилиб, мутаассиб уламолар фикрини қўллаб-қувватлади. 1917 йил Бухородаги апрель воқеалари Садриддин Айнийнинг амирлик ижтимоий-сиёсий тизимига нисбатан нафратини ошириб юборди.

Ўзи гуноҳсиз, ўз халқи, миллати учун фидойи бўлган тараққийпарвар ва маърифатпарварларнинг фожиаи тақдири, хусусан, укаси Сирожиддиннинг зиндонга солинганлиги ва қатл этилганлиги, ўзининг 75 дарра зарбидан сўнг Когон касалхонасида даволанганлиги, дўсти Мирзо Нарзуллонинг вафот этиши, кўплаб жадидлар, тараққийпарвар ёшларнинг қийноқларга солиши, ўлдирилиши унга қаттиқ руҳий таъсир кўрсатди⁷. Бу фожеали воқеликлар С.Айний ҳаёти ва фаолиятида туб бурилиш ясади.

Бухорода кечган сиёсий воқеалар туфайли Садриддин Айний 1917 йил июнда Самарқандга кўчиб ўтди. Бу шаҳарда Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Сиддикий Ажзий, Саидахмад Васлий, Абдуқодир Шакурий каби ўз даврининг таниқли маърифатпарварлари ва зиёлилари билан яқиндан танишди. У Самарқандда биринчи педагоглардан Абдуқодир Шакурий ва Раҳматулла Исматуллаевларнинг хонадонида яшади, кейинроқ жадидлардан Вадуд Маҳмуднинг синглисига уйланди.

С.Айний 1918-1920 йилларда Самарқандда таълим соҳасида фаолиятини

⁷ Абдуқодир Ш. Ёш бухороилар хитоби // Вакт. 1917 йил 18 апрель. № 2209.

давом эттириш билан бирга инқилобий руҳда тарихий ва публицистик мақола ҳамда шеърлар ёзди. Унинг мақола ва шеърлари “Хуррият”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон” ва “Шуълаи инқилоб” (“Инқилоб шуъласи”), “Болалар йўлдоши”, “Таёқ” каби газета ва журналларда босилган. Бу ҳақда Садриддин Айнийнинг ўзи шундай ёзган: “Самарқандда тожик тилида “Шуълаи инқилоб” журнали ва “Меҳнаткашлар товуши” номидаги ўзбек тилида газета нашр бўларди. Мен буларнинг иккаласига ҳам хизмат қилардим. Ўша вақтларда маҳаллий кадрлар етишмас, озчиликни ташкил қилар эди, шунинг учун ҳам мен бу журнал ва газетанинг кўп қисмини турли имзолар билан мақолалар ёзиб тўлдирар эдим. Икки тилда шеър ёзардим, икки тилда мақолалар ёзардим”⁸.

Садриддин Айнийнинг қизи, адабиётшунос олима Холида Айнийнинг ёзишича, 1919 йил 13 июлдан бошлаб икки йилу беш ой ичида “Шуълаи инқилоб” журналида С.Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган⁹.

У 1921-1923 йилларда БХСРнинг Самарқанддаги консулхонасида маслаҳатчи сифатида ишлади. 1923 йилда БХСРнинг Самарқанддаги консулхонаси тугатилгач, 1923 йилнинг охирида Бухгосторг – “Бухоро давлат савдо ташкилоти”га мудир қилиб тайинланди. БХСР ҳукумати С.Айнийни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турди. Ҳукумат раҳбари Ф.Хўжаев имзоси билан 1923 йил 13 сентябрда бу борада махсус қарор қабул қилиниб: “Ўртоқ Айнийнинг инқилобий ҳаракатдаги хизматларини ва Бухоро меҳнаткаш оммасининг фойдаси учун узоқ йиллик фаолиятини ҳисобга олиб, шахсий нафақа белгилаш таклиф этилсин. Секретариатга ўртоқ Айнийга хат билан мурожаат қилиш топширилсин, бундан кейин ундан ўзини фақат адабий фаолиятга бағишлаш сўралсин”¹⁰ - деб кўрсатма берилганди.

1921-1925 йилларда С.Айний Самарқандда нашриёт ва таҳрир ишларида фаол иштирок этади⁵³. 1931 йилда Тожикистон Марказий Ижроия Комитети томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 1935 йилда у

⁸ Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам / Куллиёт. 16 чилд. Чилди - 1. – Сталинобод, 1958. – Саҳ. 91.

⁹ Холида Айни. Жизнь Садриддин Айни (краткий хронологический очерк). – Душанбе, 1982. – С. 63.

¹⁰ Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б. 46.

адабий фаолиятининг ўттиз йиллиги муносабати билан Тожикистон ҳукумати томонидан енгил машина билан тақдирланди. 1926 йилдан 1933 йилнинг сентябрь ойига қадар Самарқанддаги Тожикистон нашриёти бўлимида адабий муҳаррир, илмий ва адабий маслаҳатчи бўлиб ишлайди.

1927 йилда Самарқандда Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) ни ташкил этишда, айниқса ушбу олий ўқув юртида ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасини ташкил этилишида Садриддин Айний ва Абдурауф Фитратнинг хизматлари катта. 1943 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ташкил этилиб, академикликка сайланганлар орасида Садриддин Айний номзоди ҳам бор эди. Ўзбекистон ССР ФАнинг фахрий академиги, 1948 йилдан бошлаб филология фанлари доктори, профессор. Садриддин Айний СамДУда 1946 йилдан 1950 йилгача фаолият юритди. У адабиёт кафедрасига мудирлик қилди ва университетда бир қанча олимлар етишиб чиқишига кўмаклашди. “Мен ўз ижодимни ёшларга бағишлайман. Мен ёшларга ёрдам беришга ҳамма вақт тайёрман. Ҳатто ўз ишимни бир ёққа қўйиб, уларга ёрдам бераман. Лекин мен чарчамайман ва ёшларни мусобақага чақираман”¹¹ - деб ёзган эди олим. 1951 йилда Тожикистон

Фанлар академияси ташкил этилгач, Садриддин Айний унинг биринчи президенти этиб сайланди. У икки марта СССР Олий Совети депутати (1950; 1954 йилларда), 2-чақириқ Тожикистон ССР Олий Совети депутати бўлиб фаолият юритди.

Садриддин Айний Файзулла Хўжаев билан узоқ йиллар дўстона ва ҳамкор бўлиб келди. Ф.Хўжаев ҳукумат раҳбари сифатида С.Айнийни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаб келди. Унинг маслаҳати ва тавсияси билан Садриддин Айнийнинг қизлар мактаби учун ўзбек тилида тузган “Қизбола ёки Холида” асари 1924 йилда ўзбек тилида Берлинда “Камёвиний” босмахонасида ҳамда йирик тадқиқоти бўлган “Намунаи адабиёти тоҷик” (“Тоҷик адабиётидан намуналар”) Москвада 1926 йилда

¹¹ Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти/ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2020.-Б.18-19.

нашр этилган.

Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий фаолиятида “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номли асари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу асарнинг салмоқли саҳифалари 1918-1919 йилларда Самарқандда тожик тилида ёзилган. Кейинчалик олим асарни қайта ишлаб, янги маълумотлар билан тўлдириб, ўша вақтда СССР халқлари марказий нашриёти мудирининг вазифасида ишлаган, давлат ва жамоат арбоби Назир Тўрақулов (1892-1939)нинг сўз бошиси билан 1926 йил Москвада араб имлосида ўзбек тилида айрим қисқартиришлар билан (260 саҳифа, 3000 минг нусхада) “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номи остида нашр эттирди.

Олим шарқшунослик ва адабиётшунослик соҳасида “Фирдавсий ва унинг Шохномаси ҳақида”, “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”, “Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Камол Хўжандий”, “Устод Рудакий”, “Алишер Навоий”, “Восифӣ ва асари ў “Бадоеъ ул - вақоеъ”, “Мирзо Абдулқодир Бедил” каби асарлар ва илмий-адабий мақолаларини чоп эттирган. Садриддин Айнийнинг адабиётшуносликка қўшган муҳим ҳиссаларидан бири, шубҳасиз, унинг “Алишер Навоий” номли монографиясидир.

Садриддин Айнийнинг тожик тилида ёзган “Одина” номли биринчи қиссаси рус тилига таржима қилиниб, 1930 йилда Москвада чоп этилган. 1932-1935 йиллар давомида тожик ва ўзбек тилларида “Қуллар” романини ёзиб тугатади. Ушбу роман 1934 йилда ўзбек тилида, 1935 йилда тожик тилида босилди. Садриддин Айний 1939 йилда “Судхўрнинг ўлими” асарини ёзади ва бу асар 1946 йилда ўзбек тилида нашр этилди. Ёзувчи “Судхўрнинг ўлими” асарини 1953 йилда қайта ишлаб унга бир қанча янги образларни киритди.

С.Айний тарихшунос олим сифатида “Муқанна исёни” асарини ёзди. У XX асрнинг 40-йилларида оқ кийимлилар ва унинг раҳбари Муқанна ҳақида махсус рисоласини чоп эттирди. Шунингдек, хорижий мамлакатларда “Бухоро” номи билан машҳур бўлган ва кенг тарқалган “Эсдалиқлар” (1949–1954) китоби унинг ижодида марказий ўрин эгаллайди. Бу асар қайта-қайта

Ўзбек, тожик, рус тилларидан ташқари жаҳоннинг ўнлаб тилларида чоп этилган. Ўз ижоди билан мактаб яратган Садриддин Айнийнинг илмий мероси ва ижтимоий фаолияти ҳам дунё илмий жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилган. Жумладан, Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг Халқаро конгрессида Садриддин Айний номи буюк олимлар ва ёзувчилар қаторида тилга олинган. Европа олимлари Садриддин Айнийни “Шарқ маданиятини пухта ўрганган буюк билимдон” деб баҳолаганлар.

1978 йилда Ўзбекистонда Садриддин Айний таваллудининг 100 йиллик юбилеи муносабати билан машҳур давлат ва жамоат арбоблари, тарихчилар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар унинг ҳаёти ва ижодига оид хотира парчаларини, мақола, ҳикоя ва шеърларни нашр этишди. 1978 йил ЮНЕСКО томонидан “Садриддин Айний йили” деб эълон қилинди¹².

Ўз даврида Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашиш баробарида мураккаб тарихий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида фаолият олиб борган Садриддин Айнийнинг тарих фани тараққиёти ҳамда бадиий адабиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва келажак авлодларга ўрناк бўлувчи хизматлари инобатга олиниб, у 2001 йилда Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган².

Хулоса қилиб айтганда, Садриддин Айний ижодининг асосий йўналишлари таҳлил қилинар экан, у публицист сифатида долзарб тарихий масалаларга оид мақолалар ёзган, тарихчи, шарқшунос, адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида фаннинг кўплаб соҳаларида тинимсиз изланишлар олиб борган. Садриддин Айний Ўзбекистон ва Тожикистонда илм-фан ва маданиятнинг ривожланишида, кадрлар етиштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

¹² Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти/ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.- Тошкент, 2020.-Б.18-19.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Садриддин Айний туғилиб вояга етган Бухоро вилояти Гиждувон туманига қарашли Соктаре қишлоғидаги Айний уй музейи материаллари.
2. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-ж. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 55.
3. М.Хайруллаев “Буюк сиймолар”, – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.-Б.134-136.
4. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 32; Табаров С. Мунзим. – Душанбе: Ирфон, 1991. – Саҳ. 27. Ёш бухороликлар кўмитасидан ўрток Пўлатхонов доклади // Иштирокиюн. (Тошкент). 1919 йил 15 июн. № 113.
5. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 29.
6. Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Самарқанд, 1917. – Саҳ. 26.
7. Абдулқодир Ш. Ёш бухороликлар хитоби // Вақт. 1917 йил 18 апрель. № 2209.
8. Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам / Куллиёт. 16 чилд. Чилди - 1. – Сталинобод, 1958. – Саҳ. 91.
9. Холида Айни. Жизнь Садриддин Айни (краткий хронологический очерк). – Душанбе, 1982. – С. 63.
10. Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б. 46.
11. Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадиличлик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти/ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.- Тошкент, 2020.-Б.18-19.